

Ташилот номи:
Таркибий бўлинма номи:
Танлов босқичи:
Танлов йўналиши:

Адлия вазирлиги юридик техникумлари
Ахборот-ресурс маркази
Сухбат
Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли
ҳолатлар (казус) (30 та савол)

1. АРМ раҳбари А.Пўлатов ўзи раҳбарлик қилаётган АРМга ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқи мавжудлигини айтиб, фуқаро С.Олимовни муайян хизмат эвазига ишга жойлаштиришни ваъда қилди.

АРМ раҳбари бундай ҳуқуққа эгами, талил қилиб кўринг!

2. 2011 йилда туғилган 50-мактаб ўқувчиси М.Шарипов АРМ ресурсларидан фойдаланиш мақсадида марказга ташриф буюрди ва китобхон АРМ ресурсларидан фойдалана олмаслик тўғрисида рад жавобини олди.

Ушбу ҳолатга ахборот-кутубхона фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг?

3. АРМ ходими П.Амирова АРМнинг доимий фойдаланувчиси Г.Ғофуров ва Т.Комиловларни АРМда мунтазам равишда майда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун жалб қилди.

АРМ ходими П.Амированинг ҳаракатларига ахборот-кутубхона фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг?

4. АРМ ходими С.Орипова очик фонда сақланадиган босма нашрни йўқолганлигидан хабар топди ва раҳбариятни огоҳлантирди. Марказ раҳбари, АРМ ходими С.Ориповага тегишли бўлган очик фонддаги йўқолган босма нашр учун жарима миқдорини белгилаб берди.

Ушбу ҳолатга ахборот-кутубхона фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг?

5. Кутубхоначи Ж.Жавлиевга фойдаланувчи С.Норматова илмий иш билан шуғулланаётганини ва унга кутубхона фондидаги нодир адабиётлар ҳамда илмий ишлардан фойдаланишга рухсат беришини сўради. Кутубхоначи унга фақатгина очик фондлардан фойдаланиш мумкинлигини айтди.

Бунда кутубхоначи қайси ҳуқуқий норматив ҳужжатга зид ҳаракатни амалга оширди?

6. Илмий изланувчи Ш.Болтабоев АРМ каталогидан фойдаланган ҳолда керакли адабиётни излаётганда АРМ ходими унга кўмаклашди ва бу ҳаракати учун ундан пул талаб қилди.

Бу вазиятга ахборот-кутубхона фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг.

7. АРМ фойдаланувчиси ўз вақтида қайтарилмаган адабиёт учун жарима тўлашдан бош тортди. Бу вазиятда АРМ ходими қайси норматив ҳужжатни асос қилиб келтириши мумкин.

8. АРМ раҳбари иш сўраб мурожаат қилган фуқарони меҳнат шартномаси тузмаган ҳолда ишга қабул қилди. АРМ раҳбари ушбу ваколатга эгами ва буни ахборот кутубхона фаолиятига доир норматив ҳужжат асосида тушунтиринг!

9. Йигирма минг адабиёт фондига эга АРМ раҳбарияти фондга масъул ходимга ҳар йили фондни хатловдан ўтказиш талабини қўйди. Адабиётлар бонди сони қанча бўлганда ва қанча муддатларда хатловдан ўтказилиши лозим?

Ушбу вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ва ахборот кутубхона фаолиятига доир норатив ҳужжатни асос қилиб келтиринг!

10. АРМ га яқин ҳудудда фаолият юритадиган "Сервисе онлайн" ширкати ходимлари АРМ хизматидан фойдаланиш учун АРМ га ташриф буюрди ва АРМ ходими уларга АРМ фақат аҳолига хизмат кўрсатишини билдирди ва уларга хизмат кўрсата олмаслигини айтди. Ушбу АРМ ходими қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга зид ҳаракат қилди?

11. Ўқув залида хизмат кўрсатувчи АРМ ходими ўқув залидаги очик адабиётлар фонди хатловдан ўтказилганда аниқланган камоматни тан олмасдан жавобгарликдан бош тортди.

Бу ҳолатда АРМ ходими жавобгар эканлигини қайси ҳужжат орқали асослаш мумкин?

12. Таълим муассаси тасарруфидаги АРМ моддий техникасини янгилаш бўйича ўзи бўйсунувчи таълим муассасасига мурожаат қилганида таълим муассасаси ўз мажбуриятига кирмаслигини ва бу бўйича кутубхоналар учун фондларга мурожаат қилиши тавсия қилди. Бу таълим муассасасининг ҳаракати қонунийми?

Буни ахборот-кутубхона фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳоланг!

13. Фойдаланувчи Ахмедов Ж. илмий иши учун зарур адабиётлар рўйхатидаги адабиётларни АРМ ходимидан топиб беришини сўради. Шунда АРМ ходими рўйхатда АРМ нодир адабиётлар фондида мавжуд адабиётлар ҳам борлигини аниқлаб, унга бу адабиётларни тақдим этолмаслигини таъкидлади. Фойдаланувчи Ахмедов Ж. унинг ҳуқуқи бузилганлигини айтиб, бу бўйича арз қилишини билдирди. Бу ҳолатда фойдаланувчи Ахмедовнинг ҳуқуқи бузилганми?

14. АРМнинг электрон кутубхонасида мавжуд электрон ресурслардан фойдаланувчилар норози бўлиб, яъни электрон ресурснинг фойдаланишга ноқулайлиги, ресурснинг номи ва тўлиқ матни мос келмаслиги каби камчиликларини айтиб мурожаат қилишди АРМ электрон бўлим мутахасиси бунга жавобгарликдан бош тортиб, бу электрон ресурслар яхши сифатга ега эканлигини таъкидлади.

15. АРМга чет эл фуқароси ташриф буюриб 2020 йилда чоп этилган "Жаҳон адабиёти" журналидан фойдаланишни сўради АРМ ходими И.Каримова ушбу журнал хисобдан чиқарилганлиги ҳақида маълумот берди.

Ушбу ҳолатга ахборот-кутубхона фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг!

16. АРМ фойдаланувчиси Г.Шодийев марказида мавжуд ягона нусхадаги нодир адабиётдан фойдаланаётган вақтда, дарсга кириш қўнғироғини ешитиб шошилиб китобларни ҳам бирга АРМдан олиб чиқиб кетди. Ушбу ҳолатга ахборот-кутубхона фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг!

17. ОТМнинг 2-босқич талабаси Х.Полвонов ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги учун олинган ўқув адабиётларини белгиланган муддатда топширмаганлиги учун талабага нисбатан чора кўрилди.

Ушбу ҳолатга ахборот-кутубхона фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг!

18. АРМ фондида мавжуд баъзи номдаги адабиётлар маънан эскирганлиги туфайли фонд таркибидан АРМ директори қарорига мувофиқ чиқариб ташланди.

Ушбу вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ва бу вазиятда қайси норматив ҳужжатга асосланиш мумкин?

19. Талаба Ш.Каримов АРМ фондига тегишли бўлган адабиётни кутубхона ходимини огоҳлантирмай олиб чиқиб кетти ва бир ойдан сўнг қайтариб олиб келди. Натижада кутубхоначи талабанинг бу ҳаракатига нисбатан уни маълум муддатга АРМдан фойдаланишни таъқиқлаб қўйди.

Ушбу вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Сизнингча кутубхоначининг ҳаракати қонуний асосга эгами?

20. АРМ директори томонидан кутубхона ходимлари бир ой муддатда 100 000 нусхадан ортиқ адабиётга эга бўлган АРМ фондида текширув ўтказиш ҳақида огоҳлантирди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Бу вазиятда директорнинг ҳаракати қайси ҳуқуқий ҳужжатга асосланган ёки зид?

21. Бир қанча ташкилотлар томонидан ахборот-кутубхона фондига ўқув адабиётлар ҳада сифатида берилди. Сизнингча ушбу вазиятда ўқув адабиётлар ахборот-кутубхона фонди таркибига қўшиладими ёки алоҳида фонд ташкил этиш керакми? Жавобингизни ҳуқуқий асосланг!

22. Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси директори А.Тиллаева “Alfa Group” нашриётида нашр этилган адабиётларнинг нусхасини кутубхона фондига қўшиш учун талаб қилди. Бу вазиятда нашриёт нусха бермасликка ҳақлими. Фикрингизни ҳуқуқий асослаб беринг!

23. Олий таълим муассасаси фаолияти тугатилаётганлиги сабабли муассаса қошидаги АРМ ҳам фаолияти тугатилди. Ушбу вазиятда АРМнинг тугатилиши тартибини қайси ваколатли орган амалга оширади?

24. АРМ директори Олий таълим муассасаси билан биргаликда 1993 йилда нашр қилинган “Иқтисодиёт асослари” номли дарслигини маънан эскирганлиги туфайли маълум миқдорини фонд таркибидан чиқариб ташлади. Ушбу вазиятда ваколатли органлар рухсати олинishi керакми ёки йўқ? Жавобингизни ҳуқуқий асосланг!

25. АРМ фондига тегишли адабиёт фойдаланувчи томонидан йўқотилди. Кутубхона ходими йўқотилган адабиёт сотувда йўқлиги сабабли унинг янги нашрини олиб келишини талаб қилди. Фойдаланувчи янги нашрни сотиб олиб келишдан бош тортди ва бирорта эски китоб олиб келишини айтди. Ушбу ҳолатда кутубхона ходимининг талаби ҳуқуқий асосга эгами ёки фойдаланувчининг талаби тўғрими?

26. АРМ фойдаланувчиси ўзи булан олиб кетган адабиётларни ўз вақтида қайтармади ва фойдаланувчига тегишли телефон рақами ҳамда уй манзили ўзгарганлиги сабабли адабиётларни қайтариб олишининг иложи бўлмади. Натижада АРМ директори ходимлар йўқотилган адабиётлар ўрнини ўз ҳисобларидан тўлдиришларини буюрди. Аслида ушбу вазиятда қандай чора кўриш керак эди?

27. Фойдаланувчи АРМ да мавжуд адабиётларнинг маълум қисмини сотиб олишни таклиф қилди. Бу вазиятда АРМ фондидаги адабиётларни сотиш мумкинми? Жавобингизни ҳуқуқий асосланг!

28. АРМ фойдаланувчиси Г.Набиева марказида мавжуд ягона нусхадаги хорижий нодир адабиётни фойдаланиш учун жуда зарур эканини таъкидлаб, ўзи билан олиб кетишга рухсат сўради. Ходим рад жавобини берганида фойдаланувчи ҳуқуқий асос талаб қилди.

Ушбу ҳолатда фойдаланувчининг талабига ахборот-кутубхона фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида баҳо беринг!

29. АРМ таркибидаги адабиётларни ҳисобдан чиқариш учун йиғилган комиссия аъзолари текширув вақтида мазмунан қимматли адабиётни ўта яроқсиз ҳолатга келганлигини аниқладилар. Ушбу вазиятда комиссия аъзолари қандай чора кўришлари зарур?

30. Юридик таълим муассасасининг АРМ идан вақтинча фойдаланувчи Л.Азизова кутубхона ходимидан олий математикага оид дарсликларни топиб беришини сўради ва ходимдан у турдаги адабиётлар йўқлигини эшитиб сабабини тушунтиришни сўради. Ходим бу вазиятда фойдаланувчига қайси ҳуқуқий ҳужжатни асос қилиб келтириши мумкин?

Ташкилот номи:

**Адлия вазирлиги юридик
техникумлари**

Таркибий бўлинма номи:

Ахборот-ресурс маркази

Танлов босқичи:

Савол (50 та жавоб)

1. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда қандай атама ва таърифлар келтирилган?
2. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4354 қарорда қайси вазифалар асосий этиб белгиланган?
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйичабешта муҳим ташаббуснинг тўртинчиси қисми нимага йўналтирилган?
4. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги қандай ваколатлари белгилаб қўйилган?
5. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви ким томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган?
6. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Махсус ваколатли давлат органининг қандай вазифалари белгилаб қўйилган?
7. Ўзбекистон Республикаси ПҚ-381 “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорда Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига қандай вазифалар юклатилган?
8. Ўзбекистон Республикаси ПҚ-381 “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорда Ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб қайсилар белгиланган?
9. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нималар ёритилган ?
10. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари этиб қайсилар белгиланган?
11. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ мажбуриятлари этиб қайсилар белгиланган?
12. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” гиконунда ахборот-кутубхона муассасаларининг бирлашмалари ҳақида нималар дейилган?
13. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Ахборот-кутубхона муассасаларини молиялаштириш қайсилар ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Улар қайси?

14. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Ахборот-кутубхона муассасалари бирлашмаларининг зиммасига қандай вазифалар юклатилган?
15. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-280-сон “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунда Ахборот-кутубхона фонди ҳақида нималар дейилган ?
16. Ахборот эркинлигининг асосий принциплари нималардан иборат?
17. Ахборотнинг эркинлиги нималардан иборат?
18. Ахборот эркинлиги кафолатлари нималардан иборат?
19. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-439-II-сон “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг асосий вазифалари нималардан иборат?
20. Ахборотни муҳофаза этиш нималардан иборат?
21. Ахборот эркинлиги кафолатлари бу?
22. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қандай йўллар билан таъминланади?
23. Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига нималар киради?
24. Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қандай йўллар билан таъминланади?
25. Ахборотнинг очиклиги ва ошкоралиги нималардан иборат?
26. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида аудиовизуал асарни тайёрловчига қандай таъриф берилади?
27. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида муаллифга қандай таъриф берилади?
28. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида асар нусхасига қандай таъриф берилади?
29. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида репрографик такрорлашга қандай таъриф берилади?
30. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида ҳуқуқ эгасига қандай таъриф берилади?
31. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган асарлар деб нималарга айтилади ?
32. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлмаган асарлар деб нималарга айтилади ?
33. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-42-сон “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида халқ ижодиёти асарлари қандай таъриф берилади?
34. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборотлаштиришга қандай таъриф берилади?

35. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида блогерга қандай таъриф берилади?
36. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборот ресурсига қандай таъриф берилади?
37. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборот тизимга қандай таъриф берилади?
38. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборот технологиясига қандай таъриф берилади?
39. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорига қандай таъриф берилади?
40. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгасига қандай таъриф берилади?
41. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ давлат ахборот ресурсларини кимлар шакллантиради?
42. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига нималар қиради?
43. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари қандай?
44. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ ахборот ресурсларини муҳофаза қилиниш қандай ташкил этилади?
45. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қандай амалга оширилади?
46. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ ахборотни ҳужжатлаштириш қандай амалга оширилади?
47. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунинг мақсади нима?
48. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ ахборот ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкинми?
49. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ ахборот ресурсларини эркин фойдаланиш тоифаларига киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда ким томонидан аниқланади?
50. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 560 II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига муофиқ ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби кимлар томонидан мустақил белгиланади?

Ташкилот номи:

**Адлия вазирлиги юридик
техникумлари**

Таркибий бўлинма номи:

Ахборот-ресурс маркази

Танлов босқичи:

Тест (50 та савол)

1. “Библиография” сўзининг маъноси нима?
 - A. Китоб ёзаман
 - B. Ахборот тарқатаман
 - C. Китоб нашр қилиш
 - D. Қўлёзма
2. Ахборот инфратузилмаси нима?
 - A. Ахборот ресурслари
 - B. Маълумотлар банки
 - C. Алоқа тизими
 - D. Ахборот марказлари
3. Библиографик ахборот нима?
 - A. Билим берувчи
 - B. Асар ҳақидаги маълумот
 - C. Тартибда келтирилган ҳужжат
 - D. Библиографик ёзув
4. Ким томонидан бажарилганига кўра, аннотациялар қандай турларга бўлинади?
 - A. Муаллифлик, муҳаррирлик, библиографик
 - B. Муаллифлик, анъанавий, библиографик
 - C. Муаллифлик, автоматлаштирилган, қўлда ёзилган
 - D. Муаллифлик, библиографик, рефератив
5. Библиографик ахборотни истеъмолчига маълум бир воситалар ва усуллар ёрдамида етказиб бериш жараёни нима дейилади?
 - A. Библиографик фаолият
 - B. Библиографиялаш
 - C. Библиографик хизмат
 - D. Библиографик аниқлаш
6. Кутубхоналар олдида турган вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборот ва моддий-техник базаси нима деб аталади?
 - A. Ахборот ресурслари
 - B. Ахборот-библиография ресурслар
 - C. Кутубхона-библиография ресурслари
 - D. Библиографик маҳсулот
7. Ўзбекистон Миллий кутубхонасини биринчи бўлиб ким ташкил етган?
 - A. В. И. Межов
 - B. К. П. Кауфман
 - C. Й. К. Бетгер
 - D. О. Ғ. Қосимова
8. Каталогларни библиографик тасвирларини группалаш усулларига кўра асосий турларга бўлинган бўлади, улар қайсилар?
 - A. Анъанавий каталог, электрон каталог

- В. Алфавит каталоги, системали каталог, предмет каталог
С. Алфавит каталоги, системали каталог
D. Номерли каталог, хронологик каталог, географик каталог
9. Каталогларнинг вазифаси бўйича нечи гуруҳга бўлинади ва улар қайсилар?
A. Китобхон каталоги, хизмат каталоги
B. Анъанавий каталог, электрон каталог
C. Алфавит каталоги, системали каталог
D. Номерли каталог, хронологик каталог
10. “Хужжатларни библиографик тавсифи” ГОСТ стандартини номери қандай?
A. ГОСТ 7.1-76
B. ГОСТ 7.1-69
C. ГОСТ 7.1-84
D. ГОСТ 7.1-69
11. Ахборот беришни хужжатлар оқимида истеъмолчи қидираётган ахборотни ўша шаклда борлиги нима деб аталади?
A. Релевантлик
B. Пертинентлик
C. Норелевантлик
D. Релевантлик, пертинентлик
12. Ахборот кутубхона муассасасининг фонди қандай турларга бўлинади?
A. Моддий фонд, техник фонд
B. Актив фонд, пассив фонд
C. Юқори фонд, пастки фонд
D. Юқори фонд, пассив фонд
13. Ахборот берилишинг тўлиқлиги фаолиятида хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш учун қандай критерия қўлланилади?
A. Релевантлик
B. Пертинентлик
C. Норелевантлик
D. Релевантлик, пертинентлик
14. Ахборот беришни хужжатлар оқимида истеъмолчи қидираётган ахборотни ўша шаклда йўқлиги нима деб аталади?
A. Релевантлик
B. Пертинентлик
C. Норелевантлик
D. Релевантлик, пертинентлик
15. Ахборот-кутубхона фондининг электрон шакли нима деб аталади?
A. Ахборот кутубхона фонди
B. Электрон каталог
C. Электрон кутубхона
D. Йиғма электрон каталог
16. КАРМАТ автоматлаштирилган кутубхона тизимида нечта иш ўрни мавжуд?
A. Бешта
B. Тўртта
C. Учта

D. Еттита

17. Ўзбек тилидаги биринчи босма китоб қайси номда нашр қилинган?

A. «Туркистон тўплами»

B. Ш.Иброҳимовнинг тақвими

C. Алишер Навоийнинг “Хамса” асари

D. “Чу ва Норин дарёси юқорисидаги тоғли мамлакат ҳақида ва у орқали Туркистонга ўтиш йўллари ҳақида белгилар”

18. Зардуштийларнинг муқаддас китоби:

A. “Сўғд ёдгорликлари”

B. “Авесто”

C. “Кўҳна сўғд хатлари”

D. “Ирқ битиги”

19. Йиллик ҳисоботларнинг турлари:

A. Бухгалтерия ҳисоби, дастлабки ҳисоб

B. Статистик ҳисобот, бухгалтерия ҳисоботи

C. Статистик ҳисобот, ахборот ҳисоботи

D. Дастлабки ҳисоб, статистик ҳисобот, бухгалтерия ҳисоботи

20. Қайси шаҳарларда Соҳибқирон Амир Темур кутубхонасига асос солинган?

A. Шош ва Шаҳрисабзда

B. Бухоро ва Хивада

C. Шаҳрисабз ва Самарқандда

D. Бағдод ва Марвда

21. Қадимги дунё кутубхоналари қаерда пайдо бўлган?

A. Месопотамияда

B. Мисрда

C. Римда

D. Юнонистонда

22. Аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг транспорт усули:

A. Автобуслар

B. Библиобуслар

C. Аравачалар

D. Тўғри жавоб йўқ

23. Китобхон билан якка тартибда ўтказиладиган дастлабки суҳбат қандай аталади?

A. Ўқилган адабиёт ҳақида суҳбат

B. Кутубхонага аъзо қилиш пайтидаги суҳбат

C. Тавсия этиладиган адабиёт ҳақидаги суҳбат

D. Тадбир ҳақидаги суҳбат

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қачон қабул қилинган?

A. 2005 йил 26 сентабрда

B. 2006 йил 20 июнда

C. 2005 йил 25 августда

D. 2006 йил 20 июлда

25. Қайси қарорга кўра, АРМ ва АКМ ҳамда кутубхоналар фаолиятини, унинг йўналишларига мос мувофиқлаштиришни амалга оширувчи коллегиял идоралараро органларга бўлинган?

А. 2006 йил 20 июнда қабул қилинган “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарор

В. 2012-йил 20 мартда Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус 1729-сонли Қарори

С. 2011 йил 23 февралда Президентимизнинг “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида Ахборот-кутубхона ва Ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1487-сон Қарори

Д. 2011 йил 13 апрелда мамлакатимиз кутубхоначилик ишидаги “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонун

26. Библиографиянинг методикаси нимадан иборат?

А. Библиографик ахборот тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказишнинг мақсадга йўналтирилган усуллари ва услублари йиғиндисидир

В. Мамлакатда кутубхоначилик ва ахборот марказларини ташкил этиш, библиография хизмати тизимини яратиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш

С. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, жамиятнинг ахборотга бўлган талабини тўла қондириш имконини яратиш учун хизмат қилиш

Д. Ахборот ресурсларини, библиографик маҳсулотларни қайта ишлаб чиқиш маҳорати

27. Ахборотнинг ҳажми ва изчиллигига кўра аннотация қандай турларга бўлинади?

А. Анъанавий, тушунтирувчи, библиографик

В. Анъанавий, библиографик, муҳаррирлик

С. Тушунтирувчи, тасвирий, рефератив

Д. Тушунтирувчи, тасвирий, муҳаррирлик

28. Аннотациялар тайёрлаш усулига кўра қандай турларга бўлинади?

А. Анъанавий, қўлда ёзилган, автоматлаштирилган

В. Анъанавий, муҳаррирлик, библиограф

С. Анъанавий, қўлда ёзилган, библиограф

Д. Тушунтирувчи, тасвирий, рефератив

29. Бир мартта нашр қилинган асар нима дейилади?

А) Изонашр

В) Картографик

С) Нодаврий

Д) Рисола

30. Кутубхоналар қадимда “Дар ул-илм” деб номланган бўлиб, қандай маънони англатади?

А. Фанлар уйи

В. Ҳикматлар уйи

С. Илмлар уйи

Д. Илм маскани

32. Предмет каталоги қандай турларга бўлинади?

- A. Анъанавий каталог, электрон каталог
 - B. Алфавит каталоги, системали каталог, предмет каталог
 - C. Алфавит каталоги, системали каталог
 - D. Номерли каталог, хронологик каталог, географик каталог, луғат каталоги
33. Бир неча кутубхоналар фондини акс эттирувчи каталог қандай каталог деб номланади?
- A. Марказий каталоглар
 - B. Йиғма каталоглар
 - C. Жамланма каталоглар
 - D. Тармоқ каталоглари
34. Библиографик тавсиф нечта соҳадан иборат?
- A. 8 та
 - B. 5 та
 - C. 7 та
 - D. 13 та
35. Ўнлик классификация муаллифи ким?
- A. П.Отле
 - B. А.Лафонтен
 - C. Мелвил Дюи
 - D. Х.Исломқулов
36. Ахборот-кутубхона фондини бутлашнинг неча хил усули мавжуд?
- A. Жорий бутлаш, ретроспектив бутлаш, фонддан чиқариш
 - B. Жорий бутлаш, ретроспектив бутлаш
 - C. Дастлабки бутлаш, ретроспектив бутлаш
 - D. Жорий бутлаш, қайта бутлаш
37. Ахборот сўровини мазмуни, унга берилган ахборот жавобини мазмунига объектив мослиги нима дейилади?
- A. Релевантлик
 - B. Пертинентлик
 - C. Норелевантлик
 - D. Релевантлик, пертинентлик
38. Истеъмолчи томонидан ахборот мазмунига ва қизиқишлардан келиб чиққан ҳолда объектив баҳо бериш нима деб аталади?
- A. Релевантлик
 - B. Пертинентлик
 - C. Норелевантлик
 - D. Релевантлик, пертинентлик
39. Тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурслари рўйхатининг электрон шакли нима деб аталади?
- A. Ахборот кутубхона фонди
 - B. Электрон каталог
 - C. Электрон кутубхона
 - D. Йиғма электрон каталог
40. АРМАТ автоматлаштирилган кутубхона тизими қандай формат асосида қурилган?

- A. UNIMARC
- B. RUSMARC
- C. USMARC
- D. MARC 21

41. Ахборот-кутубхона марказлари қайси ташкилот тасарруфида?

- A) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- B) Халқ таълими вазирлиги
- C) Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш қўмитаси
- D. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

42. Кутубхона кундалиги неча қисмдан иборат?

- A. Беш қисмдан
- B. Тўрт қисмдан
- C. Уч қисмдан
- D. Икки қисмдан

43. Бухоро амирининг саройидаги кутубхонада ишлаган алломанинг исми:

- A. Мусо ал-Хоразмий
- B. Абу Райхон Беруний
- C. Аҳмад ал-Фарғоний
- D. Абу Али ибн Сино

44. Кутубхоначилик техникуми қаерда ташкил топган ?

- A. Тошкентда
- B. Андижонда
- C. Нукусда
- D. Бухорода

45. Кутубхона фондидан чиқарилган адабиётлар қандай ҳужжат орқали расмийлаштирилади?

- A. Шартнома
- B. Далолатнома
- C. Жамлама ҳисоб китоби
- D. Ҳисобот шаклида

46. Китобни қўйиб ўқиш учун ясалган махсус мослама:

- A. Лавҳа
- B. Тахта
- C. Лавҳ
- D. Жуз

47. 48 саҳифадан ортиқ босма асарнинг номи:

- A. Китоб
- B. Рисола
- C. Тўплам
- D. Нашр

48. Китобхон ким?

- A. Ахборот-кутубхона муассасаси хизматидан фойдаланувчи шахс
- B. Китоб ўқувчи шахс
- C. Мактаб ўқувчиси
- D. Аҳолининг ҳар бир гуруҳи

49. Китобхон ҳақида маълумот берувчи ҳужжат:

- A. Китоб формуляри

В. Кутубхона кундалиги

С. Китобхон формуляри

Д. Жамлама китоб

50. Ахборот-кутубхона муассасалари ахборот-кутубхона фондларининг мазмуни ва белгиланган мақсадига кўра, қандай ахборот-кутубхона муассасаларига бўлинади?

А. Миллий кутубхона, АКМ, АРМ

В. Давлат ва нодавлат

С. АРМ ва АКМ

Д. Универсал ва махсус